

Энди ўлим йўқ



08:14 / 01.09.2020 2540

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «(Қиёмат куни) ўлим кўзида оқи бор қўй суратида олиб келинади. Кимдир: «Эй аҳли жаннатлар!» деб нидо қилади. Жаннат аҳли бўйнини чўзиб қарайди. У Зот: «Буни танияпсизларми?» дейди. Улар: «Ҳа, бу ўлим», дейишади. Ҳаммалари уни кўришади. Кейин яна: «Эй аҳли дўзахлар!» деб нидо қилинади. Улар ҳам бўй чўзиб қарашади. У Зот: «Буни танияпсизларми?» дейди. Улар ҳам: «Ҳа, бу ўлим», дейишади. Ҳаммалари уни кўришади. Кейин нидо қилувчи ўлимни сўяди ва: «Эй жаннатийлар, сизлар абадий қоласизлар, энди ўлим йўқ! Эй дўзахийлар, абадий қоласизлар, энди ўлим йўқ!» дейди.

Бошқа ривоятда: «Жаннатийларнинг хурсандчилигига хурсандчилик, дўзахийларнинг маҳзунлигига маҳзунлик қўшилади», дейилган. Кейин

ушбу оят ўқилади:

«(Эй Муҳаммад!) **Уларни** (Макка мушрикларини) **барча иш битирилган ҳасрат кунидан** (Қиёматдан) **қўрқитинг! Улар** (бугун) **ғафлатдадир,** (шу сабабдан) **улар иймон келтирмайдилар**». (Марям сураси, 39-оят) Улар дунёда ғафлатда эдилар».

«Солиҳлар гулшани» китобидан